

**САМАРКАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАЛИЛОВ СИРОЖИДДИН ШЕРАЛИ ЎҒЛИ**

**ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАР ЭКСПОРТИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯ  
ҚИЛИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
in economic sciences**

**Халилов Сирожиддин Шерали ўғли**

Туристлик хизматлар экспортини диверсификация қилишнинг  
концептуал йўналишлари..... 3

**Халилов Сирожиддин Шерали ўғли**

Концептуальные направления диверсификации экспорта  
туристических услуг..... 26

**Khalilov Sirojiddin Sherali ugli**

Conceptual directions of diversification tourist services export..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 51

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.I.18.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАЛИЛОВ СИРОЖИДДИН ШЕРАЛИ ЎҒЛИ**

**ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАР ЭКСПОРТИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯ  
ҚИЛИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2020**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Iqt694 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.sies.uz](http://www.sies.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Эштаев Алишер Абдуғаниевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Алимова Машҳура Тоирхоновна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.18.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел.: (998 66) 233-19-84; Факс: (998 66) 231-12-53; e-mail: [sies\\_info@edu.uz](mailto:sies_info@edu.uz).

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел.: (998 66) 233-19-84; Факс: (998 66) 231-12-53; e-mail: [sies\\_info@edu.uz](mailto:sies_info@edu.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Э. Пўлатов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Н.Э.Ибадуллаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

**М.М.Мухаммедов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган бир пайтда туризм кўпгина давлатлар иқтисодиётининг муҳим даромад манбаига айланиб улгурди. Туризм соҳаси янги иш ўринларини яратишнинг рағбатлантирувчи кучи сифатида ижтимоий аҳамият касб этади. “Бугунги кунда жаҳон ялпи ички маҳсулотининг қарийб 10 фоизи, иш билан бандликнинг 9 фоизи, жами экспортнинг 7 фоизи, хизматлар экспортининг эса 30 фоизи туризм соҳаси ҳиссасига тўғри келади”.<sup>1</sup> Бу эса унинг иқтисодий ривожланишдаги муҳим ўрнини тасдиқлайди. Мамлакатлар аҳолиси ижтимоий фаровонлигини ошириб боришнинг кафолатли йўналишларидан бири сифатида ҳам туризм соҳаси баҳоланади.

Жаҳон экспорти таркибида туристик хизматлар ёқилғи, кимё саноати, озиқ-овқат ҳамда автомобиль саноати экспортидан кейин бешинчи ўринни эгаллаганлиги унинг иқтисодиёт тармоқлари ривожланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатаётганлигидан далолат беради. Хорижий давлатлар ўз миллий туристик маҳсулотини диверсификация қилиш асосида туристик хизматлар экспорти ҳажмини мунтазам ошириб боришга жиддий эътибор қарата бошлади. Туризм соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларида ҳам жаҳон олимлари айни масалаларнинг маркетинг стратегиялари ва инвестицион бошқарув жиҳатларига алоҳида урғу бермоқда. Туристик хизматлар экспортини диверсификация қилишни такомиллаштириш масалалари ҳам хорижий тадқиқотчиларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Ўзбекистонда кириш туризми билан шуғулланувчи бизнес субъектлари фаолиятини модернизациялаш, туристик хизматларни инновацион технологиялар асосида такомиллаштириш, унинг экспортини диверсификация қилишга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2025 йилгача “... юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини 7 миллион нафарга, туризм экспортидан келадиган йиллик даромадни эса 2 миллиард долларга етказиш лозимлиги ...”<sup>2</sup> таъкидланди. Мазкур вазифаларнинг бажарилиши туризм соҳасини барқарор суръатлар билан ривожлантириш, унинг хизматлар экспортидаги улушини ошириш, диверсификация стратегиясини амалиётга жорий этишнинг концептуал йўналишларини белгилаш мақсадида айни масалаларга тегишли дастурлар ишлаб чиқишга асос яратадиган мукаммал илмий тадқиқотларга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда. Шу туфайли туристик хизматлар экспортини диверсификация қилишнинг концептуал йўналишларини белгилаб олишга бағишланган мавзу долзарб илмий йўналишлардан бири эканлигидан далолат беради.

<sup>1</sup> UNWTO. Tourism Highlights: 2019 Edition, p. 3 // <http://www.unwto.org>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

Мазкур диссертация тадқиқоти натижалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонларида, 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3509-сон “Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Туристик хизматлар экспорти ва унинг турли шакллари ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари А.Алонсо, А.Огле, Д.Бухалис, С.Смит, В.Азар, А.Александрова, В.Гуляев, Е.Жильцов, И.Зорин, Н.Зайцева, Д.Исмаев, Н.Мироненко ва бошқа хорижлик олимларнинг асарларида тадқиқ этилган<sup>3</sup>. Айниқса, ташқи иқтисодий фаолият муҳим таркибий қисми сифатида туристик хизматлар экспортининг илмий-назарий масалалари ва туристик хизматлар диверсификациясининг ривожланиш тенденцияларини чуқур таҳлил қилишга бағишланган В.И.Азар, В.А.Квартальновларнинг<sup>4</sup> илмий-тадқиқот ишлари эътиборга молик. Рақамли иқтисодий шакллантириш шароитида туристик хизматлар экспортини ривожлантириш муаммолари К.Х.Абдурахмонов, М.Э.Пўлатов, М.Р.Болтабоев, Н.Т.Тухлиев, М.Қ.Пардаев, И.С.Тухлиев, М.М.Мухаммедов, З.Д.Адилова, М.Т.Алимова, А.А.Эштаев, А.Н.Норчаев, О.Ҳ.Хамидов,

<sup>3</sup> Alonso, A.D., & Ogle, A. (2010). Tourism and hospitality small and medium enterprises and environmental sustainability. *Management Research Review*, 33.; Ogle, A. (2012). Environmental performance measurement of tourism accommodations in the pilgrimage urban areas: The case of the Holy City of Mashhad, Iran. *Procedia – Social and Behavioral Sciences*, 35, 514–522.; Buhalis, D., 2003, eTourism: Information Technology for strategic tourism management, Pearson.; Smith, S. (2010) *Practical Tourism Research (CABI)*; Азар В.И. Экономика и организация туризма. - М.: Аспект-Пресс, 2003. - 439 с.; Александрова А.Ю: *Международный туризм: Учеб. пособие для вузов*. М., 2001.; Гуляев В.Г. Туризм: экономика и социальное развитие. М.: Финансы и статистика, 2003; Жильцов Е.Н. (ред) *Экономика общественного сектора, Учебник / Под ред. П.В. Савченко, И.А. Погосова, Е.Н. Жильцова*. — М.: ИНФРА-М, 2010. - 763 с. - (Высшее образование); Зорин И.В., Каверина Т.П., Квартальнов В.А. Туризм как вид деятельности, Учебник. М.: Финансы и статистика. 2005. – 288 с.; Зайцева Н.А. Менеджмент в социально-культурном сервисе и туризме, Учебник для студентов высших учебных заведений. - М.: Издательский центр «Академия», 2003. - 224 с.; Исмаев Д. К. Основы стратегии и планирования маркетинга в иностранном туризме. М., 1994.; Кружалин В.И., Мироненко Н.С. и др. География туризма. Учебник. Н. В. Зигерн-Корн, Н. В. Шабалина. — М. : Федеральное агентство по туризму, 2014. — 336 с.

<sup>4</sup> Азар В.И. Экономика и организация туризма. - М.: Экономика, 2003. – 322 с.; Квартальнов В.А. Менеджмент и маркетинг в социально-культурной сфере. Учеб.пособие. 2-е изд. - СПб.: Книжный дом, 2003. – 644 с.;

У.Р.Матёкубов, С.С.Рўзиев, Н.Э.Ибадуллаев каби Ўзбекистон олим ва мутахассисларининг асарларида ҳам ёритилган<sup>5</sup>.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда туристик хизматлар экспортининг хусусиятлари ва диверсификациялашнинг концептуал йўналишларини илмий жиҳатдан асослаш, туризм соҳасида ҳудудлар экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминловчи мақбул тизимни яратиш зарурати намоён бўлмоқда. Мавжуд тадқиқотларда ушбу масалалар бўйича айрим назарий ва методологик натижалар олинган бўлсада, уларда туристик хизматлар экспортини диверсификациялаш комплекс ёритилмаган. Бу эса, ўз ўрнида, долзарб масала ҳисобланиб, ушбу соҳадаги илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш давр талаби бўлиб қолмоқда. Айнан шу ҳолат мазкур диссертация иши мавзусини танлаш, унинг мақсади ва вазифаларини белгилашга асос бўлиб хизмат қилди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг “Бозор рақобати шароитида реал сектор тармоқлари ҳамда корхоналар ривожланишининг илмий-методологик асосини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мос келади.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда туристик хизматлар экспорти самарадорлигини оширишнинг концептуал йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда ушбу соҳада диверсификация имкониятларидан мақбул даражада фойдаланиш истикболларини аниқлаш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистонда кириш туризмни стратегик режалаштиришда қўллаш учун туристик хизматлар экспортига оид тушунчалар ва категорияларни,

---

<sup>5</sup> Абдурахмонов К.Х. Менежмент туризма: Учебное пособие. –Т.: Филиал ФГБОУ ВПО «РЭУ им.Г.В.Плеханова» в г. Ташкенте, 2013.-248с.; Пўлатов М.Э. ва бошқалар. Глобал иқтисодий ривожланиш (туризм иқтисодиёти) – “Fan va texnologiya” - Тошкент, 2018. 308 б.; Болтабоев М.Р., Тухлиев И.С., Сафаров Б.Ш., Абдухамидов С.А. “Туризм: назария ва амалиёт” фанидан электрон дарслик.- Т., 2017; Тўхлиев Н., Абдуллаева Т. Менежмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана. -Т.: Гос. Науч. Изд. "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi", 2006. - 386 с; Пардаев М., Атабаев Р. Туризм асослари. - Самарқанд, СамИСИ. 2006.- 74 б.; Тухлиев И. Туризм асослари. - Самарқанд, СамИСИ. 2010. -271 б., Тўхлиев И., Қудратов Ф., Пардаев М. Туризмни режалаштириш. Дарслик. Т.: "Иқтисод ва молия" 2008.- 262 б.;

Мухаммедов М., Рахматов Ф. Туризм соҳасида бозор муносабатларининг шаклланиши ва унинг тармок самарадорлиги кўрсаткичларига таъсири //Сервис ва туризм: Бошқариш ва ривожлантириш муаммолари. Халқаро анжуман материаллари. Самарқанд, 2007.; Адилова З.Дж. ва бошқалар. Туризм менежменти. Ўқув қўлланма – Тошкент: ТДИУ, 2009, - 180 бет; Алимова М.Т. Ҳудудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари // докторлик диссертацияси автореферати. Самарқанд СамИСИ, 2017. – 96 б.; Эштаев А.А. Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида). Doctor of science диссертация автореферати - Самарқанд, 2019, Норчаев А. "Халқаро туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий ўсишга таъсири. Иқт. фан. номз. ...дисс. 2004. -120 б.; Ҳамидов О. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқариш механизмини такомиллаштириш. И.ф.д. ...дисс. автореф. - Самарқанд, 2017; Матъякубов У. Экологик вазиятни инобатга олиб туризм самарадорлигини ошириш йўналишлари ва истикболлари (Хоразм вилояти мисолида). Иқт. фан. номз. ...дисс. - Самарқанд, 2011; Рўзиев С. Ўзбекистон маданий туризм бозори ва унинг истикболлари. Иқт. фан. ...дисс. - Тошкент, 2009; Ибадуллаев Н. Туристтик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари (Самарқанд вилояти мисолида). Иқт. фан. ...дисс. автореф. - Самарқанд, 2010.

хусусан, “кириш туризми”, “туристик хизматлар экспорти”, “экспортни диверсификациялаш” моҳиятини очиб бериш ва уларнинг таърифларини такомиллаштириш;

иқтисодий интеграциянинг чуқурлашишини инобатга олган ҳолда туристик хизматлар экспортини диверсификация қилиш билан боғлиқ тушунчалар моҳиятини такомиллаштириш ҳамда “Туризм тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳририни маромига етказишга оид таклиф ва тавсиялар бериш;

янги бозор сегментларини ўзлаштириш, фаолият турини модификациялаш, рақобат устунлигини таъминлашнинг концептуал йўналишларини такомиллаштириш мақсадида туристик хизматлар экспортида ребрендинг ва диверсификация стратегияларини синхронлаш моделини ишлаб чиқиш;

туристик хизматлар экспортини кўпайтириш, таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, минтақаларда мавжуд туристик ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлаш мақсадида ҳудудларда ёшлар туризми кластерининг мақбул тузилмасини шакллантириш;

хорижий туристларни мамлакатга жалб қилишни кенгайтириш, маҳаллий аҳолининг туристик фаоллигини оширишни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ омилларни ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш эвазига туристик хизматлар халқаро савдосида экспорт-импорт мувозанатини тартибга солиш йўллари кўрсатиб бериш;

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан туристик хизматлар экспортини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган миллий ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда миллий туристик брендни шакллантириш босқичларини аниқлаш бўйича услубий ёндашувлардан фойдаланиш йўллари кўрсатиб бериш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон туристик хизматлар экспортида иштирок этувчи бизнес субъектлари фаолияти танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** туристик хизматлар экспортини диверсификация қилиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация ишида тизимли ёндашув, абстракт-мантикий таҳлил, SWOT-таҳлил, индукция ва дедукция, социологик сўров, қиёслаш, эксперт баҳолаш, монографик кузатув, статистик ва иқтисодий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

туристик хизматлар экспортини диверсификация қилишга оид “кириш туризми” тушунчаси моҳияти иқтисодий интеграциянинг чуқурлашишини инобатга олган ҳолда илмий жиҳатдан асосланган;

янги бозор сегментларини ўзлаштириш, фаолият турини модификациялаш, рақобат устунлигини таъминлашнинг концептуал йўналишларини такомиллаштириш орқали туристик хизматлар экспортида

ребрендинг ва диверсификация стратегияларини синхронлаш таклифи асослаб берилган;

туристик хизматлар экспортини кўпайтириш, таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш ва минтақалар туристик ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида ёшлар туризми кластерларининг мақбул тузилмаси шакллантирилган;

хорижий туристларни мамлакатга жалб қилишни кенгайтириш, маҳаллий аҳоли туристик фаоллигини кўллаб-қувватлашнинг иқтисодий дастакларини белгилаш асосида туристик хизматлар халқаро савдосида экспорт-импорт мувозанатига эришишни тартибга солишнинг такомиллашган варианты таклиф қилинган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

туристик хизматлар экспортига оид такомиллашган терминологик аппарат Ўзбекистонда кириш туризмни режалаштиришда қўлланилган;

Ўзбекистоннинг миллий туристик брендини шакллантириш босқичларини аниқлаш бўйича илгари сурилган услубий ёндашувлардан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан туристик хизматлар экспортини кўллаб-қувватлашга йўналтирилган миллий ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилган;

ребрендинг ва диверсификация стратегияларини синхронлаш модели туристик хизматлар экспортида иштирок этувчи бизнес субъектлари фаолиятида қўлланилган;

ёшлар туризми кластерларининг мақбул тузилмасини шакллантириш таклифи ҳудудлар кесимида фойдаланиш учун қабул қилинган;

хорижий туристларни мамлакатга жалб қилишни кенгайтириш, маҳаллий аҳоли туристик фаоллигини кўллаб-қувватлаш эвазига туристик хизматлар халқаро савдосида экспорт-импорт мувозанатини тартибга солишнинг такомиллашган тизими кириш туризмга оид яхлит стратегияни белгилаб олишга асос бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация тадқиқотида олинган илмий натижаларнинг ишончлилиги ишда қўлланилган услубий ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, ахборот базасининг расмий манбалардан олингани, SWOT-таҳлил ва социологик сўровномаларнинг махсус талаблар асосида ўтказилгани ҳамда хулоса, таклиф, тавсияларнинг амалда синовдан ўтгани, шунингдек, олинган натижаларнинг амалиётда фойдаланилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти** диссертация натижаларини қўллаш орқали туристик хизматлар экспортини диверсификация қилишга йўналтирилган аниқ тавсияларнинг назарий ва методик асосларини шакллантириш имконияти мавжудлигида ифодаланади. Бу тавсиялар мажмуи туристик хизматлар экспортида иштирок этувчи бизнес субъектлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва шу асосда туристлар талабини тўлиқ қондириш шароитини туғдирувчи бошқарув тизимини жорий қилиш имкониятини яратади. Тадқиқот натижаларидан олий ва ўрта махсус

касб таълими тизимида туризм ва хизматлар соҳасига иқтисодчилар, менежерлар, маркетинглар, туроператорларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг назарий-илмий хулосалари ва методик тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятида ва 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Туристик хизматлар экспортини диверсификация қилишнинг концептуал йўналишларини белгилаб олиш бўйича илмий-услубий ва амалий тавсиялар асосида:

“қириш туризми” тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва унга берилган илмий асосланган таъриф Ўзбекистон Республикаси “Туризм тўғрисида”ги Қонунининг янги таҳрири лойиҳасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг 2019 йил 20 мартдаги 04/5-05-58-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қўлланилиши туризмга оид асосий тушунчалар моҳиятини тўла акс эттиришга хизмат қилган;

янги бозор сегментларини ўзлаштириш, фаолият турини модификациялаш, рақобат устунликларини фаол тарғиб қилиш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган туристик хизматлар экспортида ребрендинг ва диверсификация стратегияларини синхронлаш таклифи ҳамда ундан фойдаланиш истиқболларининг концептуал йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 14 январдаги 02-22/215-сон маълумотномаси). Мазкур таклифдан фойдаланиш туристик хизматлар экспорти ҳажмининг 2016 йил билан солиштирганда 2018 йил якунларига кўра қарийб 2 баробар ортишига таъсир кўрсатган;

туристик ресурс салоҳияти мавжуд минтақаларда хизматлар экспортини кўпайтириш, таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш ва маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлаш мақсадида ёшлар туризми кластерларининг мақбул тузилмасини шакллантириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 14 январдаги 02-22/215-сон маълумотномаси). Илмий натижадан фойдаланиш минтақаларда тегишли туризм инфратузилмаси объектларининг ташкил этилишига, мавжуд ёшлар туризми салоҳиятидан самарали фойдаланишга, туристик хизматлар экспортининг диверсификацияси жадал амалга ошишига олиб келган;

хорижий туристларни мамлакатга жалб қилишни кенгайтириш, маҳаллий аҳоли туристик фаоллигини қўллаб-қувватлаш асосида туристик хизматлар халқаро савдосида экспорт-импорт мувозанатини тартибга солиш тизимини такомиллаштиришнинг концептуал йўналишларини белгилаш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Туризмни

ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан олиб борилган стратегик дастурлар мониторингида инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 14 январдаги 02-22/215-сон маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш миллий туристик маҳсулот рақобатбардошлиги ошишини таъминлаган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 3 та халқаро илмий-амалий анжуманда ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унинг ҳажми 145 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Туристик хизматлар экспортини диверсификация қилишнинг назарий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида туристик хизматлар экспорти ривожланишининг генезиси, ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва объектив зарурлиги асосланган ҳолда айни соҳада хорижий давлатларда тўпланган илғор тажрибалар таҳлили амалга оширилган.


“Туристик хизматлар экспорти” тушунчаси терминологик доирасидаги таҳлиллар асосида “Туристик хизматлар экспорти – хизмат кўрсатувчи томонидан ўз мамлакатига чет эл фуқароларига ёки хорижий мамлакатларда аҳолига, меҳнат жамоасига туристик-рекреацион эҳтиёжларни қондириш учун кўрсатиладиган хизматлар ва улардан олинадиган даромад” эканлиги эътироф этилган. Кириш туризми эса Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги саёҳати эканлиги асосланган.

Диссертацияда туристик хизматлар экспорти ва уни диверсификация қилиш масалалари бўйича мавжуд илмий-назарий манбаларда келтирилган услубий ёндашувлар кенг тадқиқ этилган ҳолда муаллиф томонидан туристик хизматлар экспорти тушунчасининг пайдо бўлишига сабаб бўлган

тенденциялар асосланган ва туристик хизматлар экспортининг такомиллашган концепцияси таклиф этилган.

Бундан ташқари, туристик хизматлар диверсификацияси дейилганда туристик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш, тақдим этиладиган хизматлар турларини кўпайтириш, янги бозорларни эгаллаш жараёнлари тушунилади. Худди шундай, туристик хизматлар экспортини диверсификация қилиш хорижий туристларга кўрсатиладиган хизматлар ассортиментини кенгайтириш маъносини англатади.

Ўз навбатида, туристик хизматлар экспорти ҳажмини оширишнинг бозор механизмларидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги асосланган (1-расм). Бу эса туристик хизматларнинг халқаро бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлайди. Яъни, ташқи бозорлар конъюнктураси тадқиқи объектив бошқарув қарорларини қабул қилишга асос бўлади. Шу орқали ривожланиш истикболларини ҳам белгилаб олиш имкони вужудга келади.



**1-расм. Рақобат дастаклари асосида туристик хизматлар экспортини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари<sup>6</sup>**

Туристтик хизматлар брендининг бозор позициясини мустаҳкамлаб бориш юзасидан амалий чора-тадбирларнинг бажарилиши танланган рақобат стратегияси самарадорлиги кафолати бўла олади. Рақобат дастаклари асосида туристик хизматлар экспортини қўллаб-қувватлаш йўналишларининг

<sup>6</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

белгилаб берилиши сервис корхоналари фаолиятини янада такомиллаштиришда илмий-методологик платформа вазифасини ўтайди.

Мақсадли бозорларни тадқиқ қилиш, хизматлар ассортиментини шакллантириш, сегментлаш ва бозор нишасини эгаллаш, конъюнктуравий ўзгаришларни таҳлил қилиш, рақобат устунликларига эришиш чораларини кўриш туристик хизматлар экспорти билан шуғулланиб келаётган бизнес субъектлари тижорат муваффақияти шартлари каторида бирламчи ўринда туради (2-расм).

Инновацион ёндашувларни туристик хизматлар экспортида бизнес юритиш амалиётига жорий этиш бунда, айниқса, долзарб аҳамият касб этади. Туристтик хизматлар экспортига инновацион ёндашув дейилганда экспортга мўлжалланган янги туристик хизмат турининг яратилиши ёки анъанавий хизматларнинг таклиф этилиши ва реализациясидаги такомиллашув англанади.



**2-расм. Туристтик хизматлар экспортида тижорат муваффақиятига эришиш шартлари<sup>7</sup>**

Туристтик хизматлар экспортига инновацион ёндашув хорижий мамлакатлар янги сотув бозорларини ўзлаштиришнинг шакл ва воситалари такомиллашуви билан ҳам тавсифланади. Ўз навбатида, туристик хизмат кўрсатиш соҳаси экспорт имкониятларини кенгайтиришга инновацион ёндашувларни татбиқ қилиш муайян қонуниятга асосланган кетма-кетликда амалга оширилади.

Туристтик хизматларнинг умумий экспортдаги аҳамиятини кучайтириш ҳамда салмоғини ошириш миллий иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар суръати билан баробар олиб борилмоқда. Инновацион ёндашувларни

<sup>7</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

амалиётда қўллаш эса хизматлар экспортида сифат жиҳатидан ўзгаришларни чуқурлаштириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш ўринлики, инновацион ёндашувлардан фойдаланиш туристик хизматлар экспорти ташкилий-услубий жиҳатларини узлуксиз такомиллаштириб боришни тақозо қилади. Шундагина ташқи бозорлар географиясини кенгайтириш интенсив асосда кечади.

Туристик хизматлар экспортини ташкил этишнинг илғор хорижий тажрибасини ўрганиш эса, аввало, туристик бизнес маҳаллий субъектлари рақобатбардошлиги ортишига олиб келади. Айниқса, ўзининг туристик ресурслари ва салоҳияти билан жаҳонда етакчи ўринларни эгаллаб келаётган Япония, Греция, Финляндия ва Словакия тажрибаси таҳлили Ўзбекистон миллий туристик маҳсулоти жозибадорлигини таъминлашда алоҳида ўринга эга.

Туристик хизматлар экспортини самарали ташкил қилиш ва бошқариш, шунингдек, хорижий туристларга замонавий хизмат турларини тақдим этиш борасида айтиш шундайки, давлатларнинг узок йиллик тажрибалари муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, туристик хизматлар экспортини ташкил этишнинг илғор хорижий тажрибасини Ўзбекистонда қўллаш имкониятларини аниқлаш келгусида миллий туристик маҳсулот диверсификациясини таъминлайди.

Бундан ташқари, туристик хизматлар экспортини ташкил этишнинг илғор хорижий тажрибасини Ўзбекистонда қўллаш ўзининг иқтисодий афзалликларига ҳам эга. Яъни, юқорида санаб ўтилган давлатлар тажрибаси асосида иқтисодий-техник жиҳатдан чуқур асосланган инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Бу, ўз навбатида, туристик хизматлар экспортини диверсификация қилиш имконини беради. Натижада Ўзбекистоннинг глобал туристик бозордаги мавқеи ортади ҳамда мамлакатимизга хорижий туристлар оқими барқарор жалб этилишига эришилади.

Туристик бизнес субъектларида диверсификация жараёнларининг амалга оширилишини баҳолаш ва таҳлил қилиш учун кўрсаткичлар тизимини аниқлаш тақозо қилинади. Бунинг учун қуйидаги жадвалда келтирилган кўрсаткичларни тавсия қиламиз (1-жадвал).

Туристик бизнес субъектларида диверсификация жараёнларини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари белгилаб берилганлиги соҳада самарадорликни таъминлаш имконини беради. Шунингдек, диверсификациялаш жараёнини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлашда туристик фирмалар ва меҳмонхона хўжаликлари фаолиятини таҳлил қилишнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш талаб этилади. Туристик фирмалар ва меҳмонхона хўжаликларида диверсификациялаш жараёнини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими бугунга қадар ишлаб чиқилмаганлиги ушбу ҳисоб-китобларнинг заруратини исботлайди.

Бунда туристик фирмалар ва меҳмонхона хўжаликларида диверсификациялаш жараёнини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими

гуруҳланган ва ҳар бир гуруҳга кирувчи кўрсаткичлар алоҳида келтириб ўтилган. Туристик фирмалар ва меҳмонхона хўжаликларида диверсификациялаш жараёнини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимига аниқлик киритилиб, уларни қуйидаги формулалар асосида ифодалаш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

1-жадвал

**Туристик бизнес субъектларида диверсификациялаш жараёнини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш тартиби<sup>8</sup>**

| Т/р | Кўрсаткичлар                                                                                        | Аниқланиш йўллари                                                                                                                                                    |
|-----|-----------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1.  | Туристик бизнес субъектлари хизмат кўрсатиш жараёнида ички диверсификация қилинганлик даражаси (Ид) | $Ид = \frac{Тўмт}{Бсм}$ <p>Тўмт – анъанавий ресурслардан фойдаланган ҳолда янгидан лойиҳалаштирилган хизмат турлари;<br/>Бсм – кўрсатилган жами хизматлар ҳажми.</p> |
| 2.  | Вертикаль диверсификация қилинганлик даражаси (Вд)                                                  | $Вд = \frac{Яшсм + Ябсм}{Бсм}$ <p>Яшсм – янги очилган шўъбаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми;<br/>Ябсм – янги бозорларда тақдим этилган хизматлар ҳажми.</p>         |
| 3.  | Горизонталь диверсификация қилинганлик даражаси (Гд)                                                | $Гд = \frac{ЯТим}{Бсм}$ <p>ЯТим - хўжалик фаолияти учун ноанъанавий ресурсларни жалб этган ҳолда кўрсатилган хизматлар ҳажми.</p>                                    |
| 4.  | Туристик бизнес субъектининг умумий диверсификация қилинганлик даражаси (Уд)                        | $Уд = \frac{Ид + Вд + Гд}{n}$ <p>n – диверсификацияни ифодаловчи кўрсаткичлар сони (n=3).</p>                                                                        |

Диссертациянинг “Ўзбекистонда туристик хизматларнинг экспорт салоҳияти ва ундан самарали фойдаланиш имкониятлари” деб номланган иккинчи бобида хизматлар соҳасининг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланишида туристик хизматлар экспортининг ҳозирги ҳолати таҳлили, минтақаларда туристик хизматлар экспортини мутаносиб

<sup>8</sup> Пардаев М.Қ, Мамасоатов Т.Х., Пардаев О.М. Модернизация, диверсификация ва инновация – иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллари. (Монография. – Т.: “Наврўз” 2014 й., 32-33 бетлар.) мавзусидаги монография асосида муаллиф томонидан туризм соҳасига мослаштирилган.

ривожлантириш шарт-шароитлари ҳамда туристик хизматлар экспортини диверсификациялаш салоҳиятини баҳолашга услубий ёндашувлар кўриб чиқилган.

Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш борасида олиб борилган ислохотлар натижасида соҳада кескин ўзгаришлар содир бўлмоқда ва юқори натижаларга эришиб келинмоқда. Ислохотлар натижасида 2019 йилга келиб, туристларнинг ҳаракатчилиги маҳаллий туристлар ҳисобига ҳам, хорижий туристлар ҳисобига ҳам кескин ўсиши кузатилмоқда (3-расм).



**3-расм. Республикага ташриф буюрган туристлар сони динамикаси<sup>9</sup>**

Ўзбекистон ҳукуматининг туризм соҳасини ривожлантириш борасидаги ислохотлари натижасида 2019 йилда маҳаллий туристларнинг сони 22,4 миллиондан, хорижий туристларнинг мамлакатимизга ташрифи эса 6,7 миллиондан ортгани туризм соҳасидаги кескин ижобий ўзгаришларни кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, 2020 йил якунларига кўра туризм соҳасининг ривожланиш динамикасини ички туризмни рағбатлантириш эвазига сақлаб қолиш режалаштирилган.


Ўзбекистонга келаётган туристлар сонининг ўсиши, ўз навбатида, туристик хизматлар экспорти ортишига олиб келмоқда (4-расм).

2019 йил давомида келган узоқ хорижий туристларнинг таркибида энг катта улуш Туркия ҳиссасига тўғри келиб, Туркия фуқаролари Ўзбекистонга тарихий-маданий объектларни зиёрат қилиш, экологик ва рекреацион туризм мақсадларида ташриф буюрган. Иккинчи ўринда Хитой Халқ Республикаси фуқаролари келган бўлиб, уларнинг ташриф мақсадларида ишбилармонлик

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

музокараларида қатнашиш, тарихий-маданий объектларни томоша қилиш етакчи ўринни эгаллаган.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, соҳага берилаётган эътибор туфайли туристлар сони кескин кўпайиши натижасида туристик хизматлар экспорти ҳам йилдан-йилга ортиб, 2018 йилда 1 миллиард АҚШ долларига яқин экспорт қилишга эришилган. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, ушбу кўрсаткич 2019 йил якунига келиб 1,3 миллиард АҚШ долларидан иборат бўлди ва бу 2018 йил кўрсаткичидан 26 фоизга кўп демакдир.



**4- расм. Ўзбекистонда туристик хизматлар экспорти (млн. АҚШ долл.)<sup>10</sup>**

Бундан ташқари, минтақаларнинг ёшлар туризми йўналишидаги салоҳиятини баҳолаш мезонларини ҳам аниқлаб олиш долзарб ҳисобланади. Туризм соҳасининг иқтисодий стратегик сектори сифатидаги ўрни ва роли борган сари ошиб бормоқда. Хорижий давлатлар тажрибаси таҳлили шундан далолат берадики, ўз миллий туристик маҳсулотини жаҳон бозорида фаол илгари суришни мақсад қилган ҳар қандай мамлакат ёшлар туристик оқимини кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунинг учун махсус комбинацион турлар ишлаб чиқилмоқда. Бундан ташқари, анъанавий туристик ресурсларни ёшлар эҳтиёжларига мослаштириш чоралари ҳам кўриляпти. Австралия, Испания, Канада, Аргентина ва Бразилияга ёшлар туристик оқимининг ўсиш тенденцияси кузатилаётганлигига ҳам шу каби амалий чора-тадбирлар сабаб бўлмоқда<sup>11</sup>.

Худудларни ёшлар туризми ресурслари тақсимотига кўра районлаштиришга асос бўлувчи мезонларга аниқлик киритиш учун эса қуйидаги 5-расмга диққат қаратиш лозим.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

<sup>11</sup> [www.unwto.org](http://www.unwto.org) – Жаҳон сайёҳлик ташкилоти расмий сайти маълумотлари.

Ушбу расмда ифодаланган мезонларга таянган ҳолда Самарқанд вилоятини ёшлар туризми районларига таснифлаш тавсия этилади, хусусан:

